

1 январь 2019

# БАНК АЖБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbirkorларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимидаги утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.




1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№5 (1184), 2019 йил 31 январь

## ХОРИЖИЙ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ҲАЖМИ

2018 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий кредит линиялари ҳажми



2018 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий кредит линиялари ҳажми 2017 йилга нисбатан икки марта ошиб, 1 млрд. АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди.

2018 йилда кредит линиялари асосан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Хитой давлат тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки ва Комерц-банк (Германия) каби халқаро молиявий институтлар ва чет эл банклари томонидан ажратилди.

Хорижий кредит линияларини ўзлаштиришда ТИФ Миллий банки, Асака банк ва Узсаноат-қурилишбанк фаоллик кўрсатди.

Айни кунда юртимиздаги барча тижорат банклари мижозларга сифатли ва замонавий хизмат кўрсатиш, уларнинг мурожаатларига вақтида жавоб қайтариш ҳамда муаммоларини ҳал этиш учун қатор амалий чора-тадбирларни олиб бораётир.

Айтиш жоизки, фуқаролар ҳамда банк истеъмолчиларининг банк хизматлари бора-сидаги масалаларини ҳал этиш юртимиздаги барча тижорат банклари қатори "Ипотека-банк"нинг ҳам устувор вазифаларидан бирига айланган. Яқинда Миллий матбуот марказида банк томонидан ташкил этилган "Банк истеъмолчиларига кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини ошириш йўлида" мавзусидаги матбуот анжуманида ана шу масалалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

### УШБУ СОНДА:

**Банк хизматлари**  
Банклараро рақобат кучаймоқда  
4-бет.



## ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ

2019 йил 26 январь кун Марказий банк Бошқаруви қайта молиялаш ставкасини йиллик 16 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Маъмур қарор пул-кредит сиёсатининг инфляцияни жиловлашга қаратилган йўналишини сақлаб қолиш, реал фоиз ставкалари ижобийлигини таъминлаш ва инфляция қулмаларни пасайтириш мақсадларига асосланган.

Инфляция ва инфляция қулмалар. 2018 йил якунлари бўйича инфляция даражаси йиллик ҳисобда 14,3 фоизни ташкил этди. Бунда, 2018 йилнинг декабрь ойида нархларнинг ойлик ўсиши ўтган йилнинг мос даврига (4,1 фоиз) нисбатан пасайиб, 2,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, 2018 йилнинг II–IV чораклари давомида чораклик инфляция даражаси 2017 йилнинг мос даврига нисбатан пасайиши кузатилди.

Айни пайтда, IV чоракда ички талабнинг юқори бўлиши, тартибга солинадиган нархларнинг ошиши ва алмашув курси динамикаси каби ҳам талаб, ҳам харажат омиллари таъсирида иқтисодиётда юқори инфляция босим сақланиб қолди.

2018 йил сентябрь ойида қайта молиялаш ставкасининг оширилиши билан бир қаторда пруденциал назорат чораларининг кучайтирилиши кредитлашнинг нархга боғлиқ ҳамда нархга боғлиқ бўлмаган шaroитларини қатъийлаштириш ва якунда кредитлар ўсиш суръатини мақбуллаштириш имконини берди.

Мева ва сабзавотларни сақлаш инфратузилмаси яхшиланиши ҳисобига уларнинг нархларидаги мавсумий тебранишлар нисбатан паст бўлганлиги ҳамда ҳукумат томонидан бозорларни асосий истеъмол маҳсулотлари билан тўлдирish бўйича қўрилган чоралар, озиқ-овқат товарлари инфляцияси кескин ўсишининг олдини олишга ёрдам берди.

Ноябрь ойида энергия ресурслари нархлари оширилишининг 2018 йилги инфляция даражасига иккиламчи таъсири прогноз қилинган кўрсаткичлардан паст даражада бўлди. Бу, ўз навбатида, 2019 йилда ишлаб чиқариш харажатларининг ошиши ҳисобига инфляция тезлашишига таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, 2019 йилнинг январь ойдан нархларнинг солиқ тизимидаги ўзгаришларга (асосан ҚҚС



базасининг кенгайтирилиши) олдиндан мослашиши амалга ошмади, бу бизнес вакилларида солиқ тизимидаги ўзгаришлар уларнинг молиявий фаолияти ва ишлаб чиқариш харажатларига таъсири хусусида ноаниқликлар сақланиб турганлиги билан изоҳланади.

Натижада йиллик инфляция даражаси (14,3 фоиз) сентябрь ойидаги прогноз кўрсаткичга (16-17 фоиз) нисбатан паст бўлди.

2018 йилнинг октябрь–ноябрь ойларида аҳоли ва бизнес вакиллари кичик ва ўрта муддатли инфляция қулмалари тартибга солинадиган нархлар ўсиши шaroитида ошиб борди. Декабрь ойида ре-спондентлар томонидан янги йил байрамидан сўнг савдо фаоллигининг сусайиши тахмин қилинганлиги кичик муддатли қулмалар тушишига сабаб бўлди.

Ўрта муддатли инфляция қулмаларида ҳам бироз пасайиш кузатилган бўлса-да, ноябрь ойидаги энергия ресурсларининг қимматлашиши ҳисобига инфляция қулмалар юқори даражада сақланиб қолди.

Иқтисодий фаолликнинг ички ва ташқи шaroитлари. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилда иқтисодиётнинг реал ўсиш суръати 5,1 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда.)

## ҲАР БИР МУРОЖААТ-ЭЪТИБОРДА



– Банк раҳбарияти томонидан мижозларнинг ҳар бир мурожаати Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни талабларига мувофиқ, ҳар томонлама ҳолисона, белгиланган муддатларда кўриб чиқилади ва бунда расмий-чилик, сансоларликка йўл қўйилмайди, – дейди "Ипотека-банк" Банк хизматлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг мурожаатлари билан ишлаш хизмати бошлиғи Фулом Набибоев. – Айниқса, мурожаатлар билан ишлашда шахсий ва сайёр қабулларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

**Банк хизматлари**  
Банклараро рақобат кучаймоқда  
4-бет.



**Дунёга нигоҳ**  
Халқаро банк-молия янгиликлари  
5-бет.



**Диққат!**  
Обуна давом этмоқда  
8-бет.





## ЖАРАЁН

"ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК" ДАН ДАРАКЛАР

БАНК ХОДИМЛАРИ  
БИЛИМДА КУЧ СИНАШДИ

Яқинда "Қишлоқ қурилиш банк" АТБнинг Бош биносида тизимда фаолият юритаётган ёшларни кенг қўллаб-қувватлаш мақсадида илк бор синов тариқасида "Заковат-2019" билимлар беллашуви ташкил этилди. Унда 14 жамоа ғолиблик учун куч синашди.



– Банкимизда фаолият юритаётган ходимларнинг 60 фоиздан ортиги ёшлардир, – дейди "Қишлоқ қурилиш банк" Коммуникация ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими етакчи мутахассиси Соҳиба Охунова. – Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, билим ва малакасини ошириш борасида тизимда қўллаб-қувватлаш ишлар қилинмоқда. Жумладан, бугун банкимизнинг Касаба уюшма кўмитаси ҳамда Ёшлар иттифоқи кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган билимлар баҳси ҳам ашундай ишларнинг узвий давоми бўлди. Бундан қўзланган асосий мақсад Ёшлар иттифоқи кенгаши атрофида ёшларни бирлаштириш ҳамда уларнинг билим савиясини оширишдан иборат. Шу боис, мусобақага банкнинг минтақавий филиаллари ва минибанкларда меҳнат қилаётган 35 ёшгача бўлган ёшлар жалб қилиниб, беллашувнинг республика босқичи келгунга қадар жамоалар туман ва вилоят босқичларида куч синашдилар. Ана шу баҳсларда ўз билими ва салоҳиятини кўрсата олган ёшлар 14 жамоага сараланиб, республика турнирига етиб келишди. Шу учун ҳам баҳслар мурасиз кечди.

Билимлар беллашувида 14 жамоа ичида Хоразм вилоятининг "Хоразм" жамоасига тенг келадигани топилма-

ди. Улар умумжамоа орасида биринчилиكنи қўлга киритиб, ўзларининг билим салоҳияти ва тиришқоқликларини намойиш этишди. Ундан кейинги ўринларни Бош банк ва Сурхондарё жамоалари эгаллади.

– Банкимиз томонидан биринчи бор ўтказилаётган мазкур мусобақа барчамиз учун катта таассуротларга бой ўтди. Баҳс баҳона қўллаб-қувватлашимиз билан танишиб дўстлашдик, фикр алмашдик, билимизни оширдик. Бунинг учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман, – дейди Хоразм минтақавий филиали бош мутахассиси Фарҳод Бобононов. – Қолаверса, билимлар синовини биз учун қўллаб-қувватлаш ва қўллаб-қувватлаш билан танишиб чиққан эдик. Албатта, бу ўз самарасини берди, биринчилиكنи қўлга киритдик. Лекин ҳали ўқишимиз, ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлар ҳам кўп эканига амин бўлдик.

Тадбир якунида ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

ОМОНАТЛАР ЭНДИ ЯНАДА  
ДАРОМАДЛИ!

Акциядорлик-тижорат "Қишлоқ қурилиш банк" аҳолига янада кўпроқ даромад олиш имкониятини яратиш мақсадида амалда бўлган айрим омонатларга тўланадиган фоизлар миқдорини оширди.

## Хусусан:

– "Келажак бунёдкори" омонатига тўланадиган фоизлар йиллик 20 фоиздан 21 фоизга оширилди. Омонат муддати – 25 ойдан 36 ойгача;

– "Инсон манфаати" омонатига тўланадиган фоизлар йиллик 19 фоиздан 20 фоизгача оширилди. Омонат муддати – 13 ойдан 25 ойгача.

Мазкур омонатларга маблағлар миллий валютада нақд пул шаклида ёки нақд пулсиз шаклда омонатчининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағлари, жумладан, омонатчининг банк пластик картасидаги маблағлари ҳисобидан қабул қилинади. Омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Муҳими, омонатчининг иқтисодий манфаатдорлигига устувор аҳамият қаратилган. Хусусан, омонатчи 12 ойдан ортқ сақланган омонатини муддатидан олдин қайтариб олишни талаб қилганда, омонат сақланган давр учун шартномада белгиланган йиллик фоиз тўловининг 75 фоизи миқдорида фоиз тўлаб берилади.

Омонатларнинг сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи ҳимояси банк тизимида доимий назоратга олинган бўлиб, омонатга қўйилган маблағлар Фуқароларнинг

банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан тўлиқ кафолатланган.

Қайд этиш жоизки, АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" тизимида 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, 23 турдан ортқ йўналиш бўйича омонат маблағлари жалб қилинмоқда. Шу давргача банкнинг жами омонатчилари сони 98 840 нафарни ва уларнинг банкдаги қўйилмалари (уй-жой маблағларисиз) 481,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида тизимда мижозга ўз маблағлари тўғрисида маълумот олиш имконини берувчи "SMS-омонат" хизмати йўлга қўйилди. Бу омонатчиларнинг ҳам вақти, ҳам маблағи тежаллишига имкон бермоқда.

Шунингдек, банк тизимида шахнинг бармоқ излари намунасидан фойдалануши – "Биометрик идентификациялаш" тизими жорий қилинган. Бунда омонат ҳисобварақларидаги маблағлар билан боғлиқ барча операцияларни омонат эгасисиз амалга оширишнинг имконини йўқ. Бу омонат маблағларига нисбатан банк ходимларининг дахлсизлигини таъминлайди.

finance.uz

ҲАМКОРЛИК

## "ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК"

## 15 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК БИТИМ ИМЗОЛАДИ

"Ўзсаноатқурилишбанк" ва Халқаро Ислон савдо-молия корпорацияси Ўзбекистон Республикасида хусусий сектор корхоналарини молиялаштириш учун 15 млн. АҚШ долларига тенг Савдони молиялаштириш линиясини тақдим этиш тўғрисида битим имзолади.

Мазкур ҳужжатнинг имзоланиши тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларни тўлдириш ҳамда хомашё

товарларни етказишни молиялаштиришга қисқа муддатли кредитларни тақдим этиш имконини беради.

"Ўзсаноатқурилишбанк" мазкур корпорация билан Ўзбекистон банк ҳамжамияти вакилларини исломий молиялаштиришнинг назарий ва амалий билимлари ҳамда кўникмалари билан таништиришда фаол ҳамкорлик қилади.

finance.uz

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Бундан олти йил олдин қора курсида ўтирган Абубакирхон Улуғовни кун келиб тадбиркор бўлади деса, биров ишонмасди. Ҳаёт қизиқ экан-да. Сенга нима тайёрлаб қўйганини билмас экансан. Бир пайлар ҳаёт йўлидан адашган йигит мана бугун ўнлаб ёшларни иш билан таъминлаган, ҳам рўзғори, ҳам юрт қорига яраган ишбилармонга айланди.

Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Даҳбет маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Абубакирхон 2013 йили тақиқланган сайтларга кириб, жиноят содир этгани учун 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. Эндигина 22 баҳорни қаршилаган ёш йигит учун бундан ортқ мусибат бўлмаса керак. Аммо, буни қарангки, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 25 йиллиги муносабати билан муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2017 йил 8 декабрь куни авф эълон қилиниб, у муддатидан олдин озод этилди.

Жазо муддатини ўтаб келган инсон учун озодликда ўз ҳаёт йўлини топиб кетиш осон кечмайди. Бу борада Абубакирхоннинг ҳам боши қотди. Аммо у тушунлиққа тушмай ҳаракат қилди, олға интилди. Унинг бу интилишу сазй-ҳаракатлари бесамар кетмади.

Ўтган йили у тадбиркор бўлишни ниёт қилиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси Оқдарё тумани филиалига мурожаат қилди. Унинг ташаббуси жамғарма томонидан қўллаб-қувватланиб, кичик тикувчилик цехини йўлга қўйиш учун 30 млн. сўм миқдорига имтиёзли кредит ажратди. Шундан сўн яқка тадбирдаги тадбиркор ўзи истиқомат қилаётган уйнинг буш турган хонасига тикувчилик учун замонавий 16 та тикув машиналари ва дастгоҳларни ўрнатиб, маҳалласидаги ишсиз хотин-қизларни ишга олди.

– "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури асосида тадбиркорлик лойиҳам учун 5 йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит олгандим. Кредитнинг бундай кам фоизлиги мен учун катта имконият бўлди. Бор эътиборимни кредит тўлашга эмас, балки бизнесим ривожига қаратайман. Бугун тикув цехимизда махсус кийимлар ишлаб чиқаряпмиз. Кун сайин буюртмалар ҳам ортиб борапти. Шу боис, келгусида ишлаб чиқаришимизни янада кенгайтириш ниятидаман.

Дарҳақиқат, "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастурининг бош мақсади ҳам ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоғларивалоийҳаларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорига талаб ўқори бўлган мутахассисликлар



ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, умуман ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган эди. Бугун мазкур Дастур доирасида "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси самарали фаолият юритиб келмоқда.

– Лойиҳаларга кредит ажратишда асосий эътибор, бизнес-режаларнинг истиқболлиги, инновацион жиҳатлари ҳамда ташаббускорнинг ижтимоий аҳоли каби бир қатор омилларга аҳамият берилмоқда, – дейди жамғарманин Оқдарё тумани филиали раҳбари Зафар Ҳасанов – Шу кунгача жамғарма ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишларидаги 73 нафар ёш лойиҳа ташаббускорларига 3428 млн. сўм кредит ажратиб, 400 яқин ёшларнинг ишли бўлишига қўмаклашди. Шу билан бирга жамғарма кредит олган ёшларнинг бизнесини амалга оширишда ҳар томонлама ёрдам бериб, иш жараёнлари буйича мониторинг ишларини ҳам олиб борапти. Шу билан бирга мактаб, коллеж ҳамда маҳаллалардаги ишсиз ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида қатор учрашувлар ташкил этилди. Албатта, бундай эзгу ишларни амалга оширишда яқин ҳамкоримиз "Hamkorbank" АТБнинг Боғишамол филиалининг ўз хиссаси бор.

Оқдарё тумани Лоиш шаҳарчасида истиқомат қилувчи Зоир Жулиев ҳам жамғарма кўмағида 25 млн. сўм кредит олиб, ўзи севган касб билан шуғулланиш имконига эга бўлди. У кредит эвазига автотехниза шохбачасини замонавий асбоб-анжомлар, зарур техникалар билан жиҳозлади. Натижада иш қуролининг созлиги иш унумига, даромад ошишига ва мижозлар ишончини қозонишга асосий омил бўлаётир. Бугун унинг автоуловларга хизмат кўрсатиш шохбачасидан фойдаланаётган мижозлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Қувонарлиси шундаки, "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси Оқдарё тумани филиали жорий йил ҳам қирқдан ортқ ташаббускор лойиҳаларини молиялаш учун 6 млрд. сўм маблағ ажратишни мақсад қилган. Бу яна ўнлаб ёшларнинг ўз бизнесига ва иш ўрнига эга бўлади, деганидир.

Б. МУҲАММАДИЕВ

## БАНК ЯНГИЛИКЛАРИ

## ХАМКОРЛИК

ХАЛҚ БАНКИ МУҲИМ  
КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШДИ

Акциядорлик тижорат Халқ банки хорижий етакчи молия муассасалари билан кенг кўламли ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Навбатдаги келишув Италиянинг "SACE" экспорт кредит агентлиги билан бўлиб ўтди.

БАНКЛАРАРО РАҚОБАТ  
КУЧАЙМОҚДА

Дарҳақиқат, бугун юртимиз банклари аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиб, мижозларни ўзига жалб этиш учун астойдил меҳнат қилаётир. Бу жараёнда кўплаб инновацион хизматлар жорий этилиб, соф рақобат муҳити шаклланимоқда. Бу рақобатда айрим банкларнинг тинимсиз изланиши ўз самарасини бериб, улкан зафарлар сари етакламоқда.



Булар орасида қайси банклар илдам бораётганини билиш муштарийларимиз учун қизиқ бўлса керак. Шу ниятда юртимизда фаолият юритаётган банкларнинг расмий сайтидаги маълумотларга таяниб, сўнгги 2 ой – 2018 йилнинг 1 декабридан 2019 йилнинг 1 февралигача бўлган оралиқда қайси банк кўпроқ мижозларга янги маҳсулот ва хизматлар тақдим этганини аниқлашга уриниб кўрдик. Аминмики, эътибор ва эътироф банк ходимларини янада ғайрат билан ишлашга ундайди.

Бу борада "Агробанк" АТБ ўтган икки ой давомида анчагина самарали фаолият юритганига амин бўлди. Банк маҳсулотлар ва хизматлар борасида 9 та янгиликка (улар орасида "Сармоё" ва "Фаровон" омонатлари бор) қўл урди. Айниқса, уларнинг аксари янги онлайн хизматлар (онлайн микроқарз, онлайн ариза билан пластик карта очиш каби) улушига тўғри келиши таъсирчан сазовордир.

8 та янги банк маҳсулотлари ва хизматларини мижозларга тақлиф этган "Капиталбанк" АТБ ҳам ўз рақобатчиларини ортада қолдириши мақсад қилган. Янги хизматлар орасидан банкнинг Юнистрим пул ўтказмалари тизими билан ҳамкорликда пластик карталарни тўлдирish мумкин бўлган "Cash to card" хизмати ҳамда миллий валюта кўринишидаги янги 5 та мuddатли омонат жой олган.

ТИФ "Ўзмиллибанк" эса ўтган давр мобайнида 7 та янги банк хизматлари ва маҳсулотлари яратишга муваффақ бўлди. Жумладан, "Икки баробар фойда", "Инвестиция" номли янги омонат турларини амалиётга жорий этди. Мижозларга қулай хизмат кўрсатиш ва кўпгина масалаларни бир дарчадан ҳал қилиш имкониятини

янада яхшилаш, яъни Италияда ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олиш учун республика миқдорида тadbиркорларига молиявий кўмак сифатида банк томонидан жалб этилаётган кредит ресурсларини суғурталашга келишилди.

Шу билан бирга, акциядорлик тижорат Халқ банки хорижий етакчи банкларининг кредит линиялари ёрдамида юртимизда чорвачилик соҳасидаги қатор лойиҳаларни молиялаштириб келмоқда. Яқинда яна бир йирик хорижий инвестицияни жалб этиш мақсадида Халқ банки ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда жорий йилда чорвачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида ажратилаётган хорижий кредит линиялардан фойдаланиш бўйича ҳужжатлар алмашинувига келишилди.

Янги банк хизматлари ва янги мини-банкларни жорий этиш борасида "Ипак йўли" банки ва "Asia Alliance bank" олтидан, "Хамкорбанк", "Туронбанк" ҳамда "Ўзсаноатқурилишбанк" бештадан, "Трастбанк" тўртта ва сўнгги "Алоқа банк" учта янги хизматларини амалиётга киритган.

"Хамкорбанк" АТБнинг катта ютуқларидан бири мобил иловаси орқали бир зумда расмийлаштириладиган "VISA Virtual" ҳамда "Visa Business" халқаро корпоратив карталарини амалиётга жорий этгани бўлди. Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида бир неча банклар пластик карточкаларни очиш ва улардаги конверсия амалиётлари учун турли акцияларни ҳам ўтказди. Бу саъй-ҳаракатлар банк маҳсулотлари ва хизматлари жозибдорлигини янада оширишга, мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Айниқса, бу борада "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ пешқадамлик қилди. Шунингдек, мазкур банк ўтган давр мобайнида "Платинум" ва "Avesto" номли янги омонат турларини ва Uzcard билан ҳамкорликда кредит карталар муомаласини йўлга қўйди. Бундан ташқари, "UzPSB Mobile Business" хизматининг iOS операцион тизимга эга мобил телефонлар учун ҳам амал қилиш имкониятини яратди.

"Қишлоққурилишбанк" АТБ эса банк хизматлари борасида ўтган вақт мобайнида учта янгиликка қўл урди. Шулардан бири – банк пластик карточкалари ҳисобварақларини куннинг исталган вақтида нақд пул шаклида тўлдирish имконияти яратилди. Ўтган давр мобайнида "Микрокредитбанк" АТБнинг пойтахтимизда яна бир янги "Тараққиёт" номли мини-банкни ўз фаолиятини бошлаган бўлса, "Ипотека-банк" АТБнинг Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида "Дўстобод" филиалини очди.

"Трастбанк" ХАБнинг ушбу давр давомида амалиётга жорий этган энг яхши янгиликларидан бири дастлаб банкнинг "Дархон", сўнгра барча ҳудудий филиалларида эшитиш ва сўзлаш имконияти чекланган инсонлар учун "Сурдо-онлайн" хизмат кўрсатувчи Call марказини ишга туширди.

"Asia Alliance bank" АТБ эса ўтган вақт мобайнида учта янги мини-банкни ишга тушириши баробарида, битта валюта айирбошлаш шохбчаси очилган ва янги йил арафасида хайрия акциялари ўтказишга муваффақ бўлди. Шунингдек, мобил иловаси орқали карталар-картага пул ўтказиш (P2P) амалиёти мавжуд банклар рўйхатини кенгайтириб, банк халқаро карталаридаги чет эл валютасини терминал ва банкоматлар орқали бепул нақд ечиб олиш имкониятини яратди. Аслида, айни дамда деярли барча банклар мижозларига терминал ва банкоматлар орқали халқаро карталардаги маблағни нақд пулга алмаштириши бепул амалга ошириш имкониятини ҳаётиятда қўлдан берди.

"Асака банк" эса декабрь ойида хорижий валюта кўринишидаги янги "Инвестиция" омонатини амалиётга жорий этиш билангина қифояланди.

Юқоридаги натижалар фақат банклар сайтларидаги маълумотларга таянган ҳолда тайёрланди. Аммо шунингдек қайд этиш керакки, тижорат банклари томонидан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида барча банклар бирдек ҳаракат қилаётир. Бир томонда замонавий филиаллар, мини-банклар ишга тушаётган бўлса, 24/7 тизимида ишловчи кўплаб банкоматларнинг ўрнатилмаётгани халқимиз учун янада энгиллик яратмоқда.

Дарвоқе, яқинда ушбу карвонга яна бир янги аъзо – "Пойтахт банк" ҳам қўшилди. Мазкур банкнинг мамлакатимиз молия бозоридан нечоғли ўз ўрнига эга бўлиши ва бу борада олиб борилган саъй-ҳаракатларини ҳам биргаликда кузатамиз.

Гўзал МАЛИКОВА

## ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Жорий йилнинг январь ойида "Ahbor-Reyting" рейтинг агентлиги "Трастбанк" ХАБга 2018 йил якуни бўйича миллий шкалада "uzA+" юқори "Барқарор" прогнозли кредит рейтингини янгидан тасдиқлади.



Шунингдек, "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги ҳам "Трастбанк" ХАБнинг миллий ва хорижий валютадаги, дефолт эмитентиди (РДЭ), узоқ мuddатли рейтингларини "В" даражасида тасдиқлади. Миллий ва хорижий валютадаги қисқа мuddатли рейтингларини "В" даражада, барқарорлик рейтингини эса "В" даражада деб баҳолади.

"Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги "Асака" банкининг узоқ мuddатли рейтингини "BB –" даражага кўтарди ва истиқболни "Барқарор" деб тасдиқлади.

"Туронбанк" АТБ "MyTuron" мобил иловаси орқали Online-омонат очишни тақлиф этмоқда. Миллий валютадаги "Эксклузив" online-омонатининг йиллик фойз ставкаси – 20%. Омонатни Туронбанк картасидан тўлдирish ва ҳисобдаги маблағни сарфлаш имконияти мавжуд.

"Surdo - online" халқаро ижтимоий лойиҳа дастурини ишлаб чиққан Россиянинг "IT-V" МЧЖ ҳамда Ўзбекистон "VETERAN" жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмаси қoшидаги "IT-UZ" МЧЖ республика миқдорида банклар орасида илк бор "Surdo - online" хизматини жорий этган "ASIA ALLIANCE BANK" АТБга ҳамкорлик сертификатини топширди.

Эндиликда "Асака" банк мижозлари (юридик шахслар) банкка таширф буюрмасдан, масофадан туриб Ўзбекистон Республикаси Валюта Биржасида хорижий валюта амалиётларини амалга оширишлари мумкин.

Бунинг учун "Банк – Мижоз" дастурий мажмуасига уланиш лозим. Хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича буюртманомалар электрон тарзда қабул қилинади.

Мижозлар хорижий валютани сотиб олиш учун электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон шаклдаги шартнома (битим) ва буюртманомаларни тақдим этадилар. Ҳужжатлар банк ходимлари томонидан кўриб чиқилади ва Биржа савдопарига юборилади.

"O'zsanoatqurilishbank" миллий валютада янги "Avesto" омонатини жорий этди. Омонатнинг йиллик фойз ставкаси 20 фойз бўлиб, у омонатчиға ҳар ойда тўлаб берилади. Омонатнинг сақланиш мuddати – 24 ой.

Унга маблағлар жамғарма кассаларида омонат дафтрасини расмийлаштириш орқали ёхуд масофадан туриб "UzPSB Mobile" мобил иловаси ёрдамида онлайн тарзда қабул қилинади.

Омонат бўйича белгиланган бошлангич бадалнинг минимал миқдори 2 млн. сўм. Максимал ҳажми – чегараланмаган. Бироқ унга сақлаш мuddати оралиғида қўшимча маблағ киритиб бориш мумкин эмас.

"Яндекс.Деньги" тизимидаги ҳамён балансини АТБ "InfinBank"нинг VISA Classic, Gold ва Platinum карталари орқали тўлдирish имконияти пайдо бўлди.



## ДУНЁГА НИГОҲ

Испаниянинг "Santander" банки Буюк Британиядаги 140 та филиалини ёпиш режалари ҳақида эълон қилди. Кредит ташкилоти томонидан тарқалган маълумотларга кўра, 1270 дан ортиқ ходим ишдан бўшатилиши мумкин.

### "SANTANDER" БРИТАНИЯДАГИ 140 ТА ФИЛИАЛИНИ ЁПИШ НИЯТИДА



Банкнинг бундай қарорга келишига сабаб, айти пайтда кўпгина мижозлар мобил платформадан фойдаланмоқдалар ва натижада жисмоний офисларга бўлган талаб тобора пасаймоқда.

– Сўнгги пайтларда мижозларимиз танлаган банк хизматларини олиш ва улардан фойдаланиш усуллари сезиларли даражада ўзгарган. Яъни кўплаб мижозлар бу борада мобил ва онлайн-каналлардан фойдаланмоқдалар. Натижада иш юки камайиб қолган ёки яқин атрофида бошқа филиали бор бўлимларимиз борасида жиддий қарор қабул қилишга мажбур бўляпмиз, – дейди банкнинг жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Сюзан Аллен.

Маълум бўлишича, айти дамда компания касабга уюшмалари билан музокаралар олиб бормоқда ва яқунда ёпилаётган филиал ходимларининг учдан бир қисмини бошқа лавозимларга қайта ишга олишга умид билдирилмоқда. Айти кунда банкнинг Британиядаги 806 та филиалида 20 мингдан ортиқ ходим фаолият юритади.

Айтиш жоизки, ўтган йилнинг декабрь ойида молиявий ва сугурта хизматларини кўрсатишга ихтисослашган "Royal Bank of Scotland Group" холдинг компанияси ҳам айти шу сабаб Британиядаги филиалларининг чорак қисмини ёпишга қарор қилган эди. Компаниянинг 259 та филиали ўз фаолиятини тўхтатган бўлса-да, ходимларни бошқа бўлимларга қайта тақсимлаш орқали фақатгина 680 иш жойи йўқотилди.

### БАНККА 117 МИНГТА КИБЕРХУЖУМ

Россиянинг "Сбер-банки" киберхужумлар содир этган 117 мингта мобил рақам базасини тўплаб, уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этди. Бу ҳақда банк Бошқарув раиси ўринбосари Станислав Кузнецов Давосда ўтказилган "Бутунжаҳон иқтисодиёт форуми"да айтиб ўтган.



Кузнецовнинг сўзларига кўра, ўтган йили банкнинг турли тизимларига ҳужум қилган фирибгарларнинг 117 мингтадан иборат кичик маълумотлар базаси тўпланган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилган. Афсуски, бу ҳолат камайиш ўрнига тобора ортиб бормоқда. Ачинарлиси шундаки, бундай ҳужумга учраётганларнинг бирортаси бу масала юзасидан эътироз билдирма яптилар. Ваҳоланки, бу кибержиноятчиликка қарши ҳарашувчилар учун жиддий муаммо бўлиши керак.

Маълумот учун, 2018 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, "Сбербанк"нинг жами активлари ҳажми 27,7 трлн. рублни (Россия буйича 1-ўринда), ўз капитали 4,2 трлн. рублни, кредит портфели эса 19,1 трлн. рублни ташкил этди.

### "ТИНКОФФ" КОНТАКТСИЗ МЕТАЛЛ КАРТАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ

"Тинкофф" банки махсус банк хизматлари учун саралаб олиниши мумкин бўлган, ойлик даромади 2,5 минг долларни ташкил этувчи мижозлар учун янги контактсиз тўлов технологияли "Tinkoff Black Edition" номли металл карталарни ишлаб чиқаради, дея хабар бермоқда bank.ru нашри.



Айтилишича, ўтган йилнинг ёз ойидан бери мижозларга синов тариқасида чекланган миқдорда мазкур карталар тақлиф қилинган. Ушбу карта қалин ва оғир бўлишига қарамай, стандарт режимида контактсиз тўлов билан ишловчи барча терминал ва банкоматларда фойдаланилади. Яқин ойлар ичида мижозлар "Tinkoff Black Edition" металл карталарига эга бўладилар.

Ушбу картани расмийлаштирган мижозлар 30 минг рублгача пул маблағларини сақлашлари, депозитларни тўлдириш учун 0,5%ли бонусга эга бўлишлари, "Тинкофф" банки банкоматлари орқали ойига 1 млн. рублгача бўлган пул маблағлари билан карталарни бепул тўлдиришлари ёки ечи олишлари, шунингдек, 50 минг рублгача бўлган маблағни картадан картага бепул ўтказишлари мумкин.

Хитой Халқ банки АҚШ хазина облигацияларига инвестиция киритишни давом эттиради. Бу ҳақда Давосдаги "Бутунжаҳон иқтисодиёт форуми"да Хитойнинг Қимматли қоғозлар назорати буйича давлат кўмитаси бошлиғи ўринбосари Фан Синхай маълум қилди, деб ёзмада "Bloomberg" нашри.

### ХИТОЙ АҚШ ИҚТИСОДИЁТИГА САРМОЯ КИРИТИШДА ДАВОМ ЭТАДИ

– Менимча, Хитой ҳукумати АҚШ давлат облигациялари бозоридаги ўз инвестициялари ҳажмини сезиларли даражада камайтирмайди, – дейди Ф. Синхай. Унинг сўзларига кўра, АҚШ давлат облигациялари Пекин учун жозибадор инвестициялар бўлиб қолади, аммо Вашингтон билан давом этаётган савдо урушида Хитой Халқ банкнинг олтин валюта захиралари тобора камаймоқда.

Хитой АҚШнинг энг йирик хорижий кредиторларидан бири ҳисобланади – у 1,1 трлн. долларлик хазина облигацияларига эга. Кўпгина таҳлилчилар Хитойнинг ушбу қимматли қоғозлари Бельгиядаги ҳисобрақамларида сақланиши боис, Бельгиянинг марказий банки Пекин манфаатла-



ри учун ишлади, деган ҳаёлга боришади.

Эслашиб ўтамиз, АҚШ ва Хитой ўртасидаги музокараларнинг навбатдаги босқичи январь ойи бошида Пекинда бўлиб ўтган эди. Март ойи охирида эса томонларнинг кенг қўламли ҳарбий битимни имзолашлари кутилмоқда.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки навбатдаги адабий мукофот танловини эълон қилди. Жорий йилги танлов голиби 7 март куни эълон қилиниб, унга 20 минг евро миқдорда пул мукофоти топширилади.

### ЕТТБнинг Адабиёт мукофоти – 2019

Ўтган йили ЕТТБ томонидан ташкил этилган ушбу танловнинг бу галгиси жаҳон бадиий адабиёти таржималарига бағишланган. Айтиш жоизки, жорий йилги танловга киритилган китоблар рўйхати анчагина узун.

Бу йилги танлов иштирокчилари ҳам таржимонлик, ҳам муаллифлик мезонлари асосида баҳоланади. Чунки улар 20 минг евролик пул мукофоти доирасида ҳам ўз маданиятлари ва ижодкорликларини акс эттирган бўлишлари, ҳам Шарқий Европа мамлакатларидан тортиб, Болтиқбўйи, Марказий Осиё, Ғарбий Болқон ва Жануби-шарқий Ўрта ер денгизи давлатлари тарихини ҳикоя қила олган бўлишлари лозим.

ЕТТБнинг 2019 йилги адабий мукофоти ҳайъати аъзолари ўзларига маъқул деб топган 10 та роман таржимасини танладилар. Танланган энг яхши китоблар ўнталиги маз-

мун жиҳатидан бир-бирдан тубдан фарқ қилади – уларда шахсий фожиалар ва зафарлар, новаторлик гоёлари, меъмулар, тарихий далиллар ва жуда кучли тасаввурлар ҳикоя қилинган. Ушбу романлар инсоният ва тарих ҳақидаги янги гоёлар ҳамда замонавий дунё тўғрисидаги ижодий фикрларга йўғрилган. Айтиш жоизки, рўйхатдаги таржима китоблар дунёнинг тўққиз тилини ўз ичига олган, бу эса таржимонлар миллати, тили ва жинси билан боғлиқ мувозанат таъминланганлигидан далолатдир.

**Қувонарлиси шундаки, иштирокчилар орасида юртдошимиз Ҳамид Исмоиловнинг қатагон қурбони Абдулла Қодирий ва унинг чоп этилмаган асарлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Жиллар баъзи" китобини ингалс тилига таржима қилган ("The Devil's dance") Дональд Рейфильд ҳам бор.**

### ЕВРОКОМИССИЯ "MASTERCARD"ГА 570 МЛН. ЕВРО ЖАРИМА СОЛДИ

Европа комиссияси Европа нақдсиз тўловлар бозоридаги устуллик мақеини суистеъмол қилгани учун "Mastercard"га 570,6 млн. евро жарима солди. Бу ҳақда vedomosti.ru нашри хабар бермоқда.



Комиссия текшируви шуни кўрсатдики, "Mastercard" халқаро сотиб олиш қодаларини бузиб, чакана банк хизматлари учун тўловларни кескин оширган. Бу чакана савдогарлар ва истеъмолчиларга нисбатан нархларнинг ошиши, трансчегаравий рақобатнинг чекланиши ва яқка бозорни сунъий сегментлашга олиб келган.

"Mastercard" Европа иқтисодий ҳудудидида карталарни бериш ва транзакцияларни айирбошлаш буйича иқкинчи ўринда турувчи йирик тўлов тизимидир.

Еврокомиссиянинг рақобат масалалари буйича коммиссари Маргрет Вестагернинг сўзларига кўра, европалик истеъмолчилар ҳар куни озиқ-овқат, кийим-кечак ёки онлайн-харидларда мазкур тўлов карталаридан фойдаланадилар. "Mastercard" эса карта тўловларини сунъий равишда ошириб, Европа Иттифоқидаги чакана сотувчилар ва истеъмолчиларга зарар етказган.

Давосда бўлиб ўтган "Бутунжаҳон иқтисодиёт форуми"нинг асосий мавзуси брексит (ушбу атама икки сўз "Британия" ва "exit" – "чиқиш" сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган, Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқишини англатади) бўлди.

### ҚАЙТА РЕФЕРЕНДУМ – МАСАЛАНING ЯГОНА ЕЧИМИ

Буюк Британиянинг собиқ бош вазир Тони Блернинг фикрича, мамлакатнинг Евроиттифоқдан чиқиши Британия иқтисодиётига ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Икки ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам, Бирлашган қироллик Еврокомиссия билан бу борада бирор ижобий битимга эришолмади. Собиқ бош вазирнинг сўзларига кўра, мамлакатда қайта референдум ўтказиш пайти келди. Бу ҳақда europenews.com сайти хабар бермоқда.

– Келишувсиз Евроиттифоқдан чиқиш Британия иқтисодиёти учун жуда жиддий зарба бериши мумкин, – дейди у. – Фикримча, қайта референдум муаммони ҳал қилишнинг ягона йўли, чунки охир-оқибат парламент бу вазифани бажара олмаслиги аниқ. Вазият ҳамон мураккаблигича қолаётганини инобатга олсак, бу фикрни ҳозирги парламент қўллаб-қувватлаши эҳтимолдан йироқ, аммо бу йўналишда ишлар бошлаб юборилган.

## ТАДБИРКОРЛИК

ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНАЛАР  
БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Айни дамда тадбиркорликнинг йўналишлари ҳам кенгайиб, сердаромад тизимлар ортиб бормоқда. Ана шулардан бири иссиқхона ташкил этишдир. Бугун бу тармоққа қизиққан, унинг бошидан тутаётган ишбилармонларнинг ношиги олчи. Шу боис, кўпчилик рўзгорига ҳам, чўнтагига ҳам барака кирсин учун иссиқхона қилиш ҳаракатида.



Ўзмилийбанк ҳам, неча йилдирки, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг яқин ҳамкорига айланган. Бунинг натижасида эса банк кўмағида юртимизнинг барча ҳудудларида янгидан-янги корхоналар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, иссиқхоналар каби турли даромадли тизимлар барпо этилаётди. Айниқса, иссиқхона йўналишидаги лойиҳалар банк томонидан кенг молиялаштирилаётгани ишларнинг самарали кечишига омил бўлмоқда. Бу ҳақда Ўзмилийбанк Кредит департаменти бош мутахассиси Анвар Абдукаримов шундай дейди:

– Банкимиз бир неча йиллардан буён иссиқхона ташкил этиш истагида бўлган кўплаб тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиялаштириб келмоқда. Бу эса юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ортишига, экспорт салоҳиятининг ўсишига туртки бўлаётди. Жумладан, Хоразм вилоятининг Янгиариқ тумани Қўриқтол қишлоғида жойлашган “Қўриқтомгаз” хусусий корхонаси ҳам ўн йилдан буён ав-

томобилларга суёлтирилган газ қуйиш билан шугулланиб келаётган. Корхона кўшимча даромад олиш мақсадида Янгиариқ тумани Гулланбоғ қишлоғида бир гектар ер майдонида қиймати 698 минг АҚШ долларидек иссиқхона ташкил этишни режа қилди. Лойиҳани амалга ошириш учун эса 498 минг АҚШ долларидек иссиқхона ташкил этиш мақсадида Ўзмилийбанк кредитидан фойдаланиб, Туркиядан замонавий зарур техника-жиҳозларни келтириб ўрнатди. Айни дамда корхона 220 тонна сабзавот-полиэтилен экинларини етиштириш қувватига эга бўлиб, етиштирилаётган маҳсулотларни МДХ давлатларида экспорт қилиш режалаштирилган.

Наманган туманидаги “Usta Komil Tex-Imprex” МЧЖ ҳам бундан бир неча йил ол-

дин бир гектар ерда иссиқхона ташкил этган эди. Мана шу йиллар ичида тадбиркорликда тажриба орттирган корхона раҳбари Нозим Мусабоев ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида қўшимча 3 гектар ерда иссиқхона қуришни ният қилди. Бунинг учун Ўзмилийбанкнинг Наманган бўлими томонидан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг кредит линиясида фойдаланиб, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 1500,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит расмийлаштирилиб берилди. Иссиқхона учун керакли жиҳозлар Корейнинг “Myung Song Placon LTD” компаниясидан харид қилинди ва ўрнатилди. Бугунги кунда ушбу иссиқхонада ўттиздан ортиқ ёшлар меҳнат қилиб, турли сабзавот ва полиэтилен экинларини етиштирмоқда.

Бу борада Хоразм вилояти Богот туманидаги “Bagat Greens” масъулияти чекланган жамияти ҳам самарали иш юритиб келаётди. Жамият уч гектар майдонда иссиқхона ташкил этган бўлиб, уни барпо этишда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияси хисобидан, 5 йил муддатга 546 400 АҚШ доллари миқдорида кредит олди. Ушбу маблағлар Эрондан замонавий турдаги автоматлаштирилган иссиқхона комплекси келтириш учун йўналтирилди. Натижада корхона қисқа фурсатда ишга тушиб, йилига 250 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш қувватига эга бўлди.

Айни дамда бу ерда ўнлаб йигит-қизлар меҳнат қилаётди. Улар етиштирган мева-сабзавотлар эса хориж бозорларига ҳам етиб борди. Бундан корхонанинг валютаси ортиб бораётди.

Б. ЙЎЛЧИЕВ

Яқинда АТ “Алоқабанк” филиаллари раҳбарлари учун “Ўзбекистон Республикаси молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш, самарали банк бошқарувини ташкил қилиш” мавзусида бир ҳафталик ўқув семинари ўтказилди.

БАНК ФИЛИАЛЛАРИ  
РАҲБАРЛАРИ УЧУН  
ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Банкнинг Бош офисида ташкил этилган семинарнинг биринчи қисмида Стратегик менежмент ва бошқарув бўйича Халқаро тоифадаги маслаҳатчининг “Етақчилик ва ходимларни самарали бошқариш” мавзусидаги маҳорат дarsi ташкил этилди.

“Оқтош” дам олиш оромгоҳида давом этган семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Банк-молия академияси, Тошкентдаги Вестминстер университети ҳамда алоҳида ва ахборотлаштириш соҳасининг раҳбар ходимлари ўз маърузалари билан иштирок этиб, банкларда мавжуд таваккалчиликларни, банк ликвидлигини самарали бошқариш ва ресурс базасини мустаҳкамлаш, чакана банк хизматларини кўрсатишнинг услублари ва банк маркетинги каби мавзуларда сўз юритди.

Банк ахборот хизмати

## ТАДБИРКОРЛАР КЎМАКЧИСИ



Имтиёз ва рағбат ҳамisha улкан мақсадлар, янги-янги изланишлар сари йўл очади. Шу маънода, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига берилаётган юксак эътибор ишбилармонларни миллий иқтисодий тизимга рағбат учун янада ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда.

Кувонарлиси, мамлакатимизда яратилган қўлай сармоявий муҳит банк муассасаларининг муваффақиятли фаолиятини таъминловчи бош омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг “Асака” банкнинг Қашқадарё вилоят филиали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда мазкур филиал миқдорларга барча турдаги банк хизматларини тақдим этиб, аҳоли ва юридик шахслардан жалб этган бўш пул маблағларини иқтисодийнинг муҳим соҳаларига йўналтириш баробарида ушбу маблағларни омонатчи ва миқдорларнинг ҳамда акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда.

Айниқса, филиал кичик бизнес ва тадбиркорларнинг энг яқин маслаҳатчиси ва кўмакдошига айлангани алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг филиалнинг тадбир-

корларга ажратаётган кредитлар миқдоридан ҳам аниқлаш мумкин.

Жумладан, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, филиал томонидан иқтисодийнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 343,9 млн. сўмни ташкил этган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ўтган йилда жами 53,8 млн. сўм миқдоридан кредит ажратган.

Банкнинг бу соҳадаги тадбирлари кўлами анча кенг ҳамда салмоқли ва унга доир мисолларини кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, Байрамали Аннаев бошчилигидаги “Норпулатов Шахрам Байрамалиевич” хусусий корхонаси ҳам филиалнинг ишончли миқдорларидан. Бу ҳақда тадбиркорнинг ўзи шундай дейди:

– Вилоятимиз аҳолисига тиббий хизматлар сифатини ва тезкорлигини ошириш мақсадида

тиббий муассасамизни замонавий тиббий ускуналари билан жиҳозлашни ният қилдик ва бизнес режа туздик. Мақсадимиз, малакали мутахассисларни жалб қилиб, вилоятимиз аҳолисига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга янги иш ўринларини ташкил қилиш эди. Лойиҳани амалга ошириш мақсадида “Асака” банк Қашқадарё вилоят филиалига мурожаат қилдик. Банк лойиҳамизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, керакли ёрдамни кўрсатди. Мазкур маблағлар эвазига чет элдан замонавий тиббий ускуналар келтиришга муваффақ бўлдик. Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. Бунинг учун албатта, “Асака” банк жамоасига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

“Эзгу диёр паррандаси” масъулияти чекланган жамияти бошлиги Шакарбек Ҳамраев ҳам мазкур филиал кўмағида ўз бизнесини йўлга қўйди.

– “Ҳар бир оила – тадбиркор” Дастури доирасида “Асака” банк томонидан ажратилган имтиёзли кредит маблағи ҳисобига насли товуқ туҳумидан брелер жўжалар етиштиришга муваффақ бўлдик, – дейди тадбиркор. – Бунинг натижасида қўшимча бешта янги иш ўрни яратилди. Бугунга келиб корхонамиз қарамоғидаги жўжалар кундан-кунга кўпайиб, хўжалигимиз молиявий барқарорлик йўлидан дадил борапти. Гўшт ва туҳум маҳсулотларини етиштириш ҳажми ҳам ошиб, ички бозоримизга арзон нархларда етказиб бериш имконини бермоқда.

Ўктам АБДУЛЛАЕВ

Чет эл капитали иштирокидаги АТБ “Hamkorbank”нинг Фарғона минтақавий филиали ўтган 2018 йилнинг апрель ойида иш бошлади. Қисқа вақт ичида филиал миқдорлар ишончини қозониб, замонавий банк хизматларини кўрсатиш, янги ишлаб чиқариш объектларини кредитлаш, нақд пул тушумини кўпайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини савдо терминлари билан таъминлаш борасида сезиларли ишларни амалга оширди.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ  
СЕКТОРИГА КРЕДИТЛАР


Банк кредит ресурсларини мақсадли тақсимлаш муассасанинг устувор вазифаларидан бири саналади. Шу боис, филиал бугунги кунда асосан вилоят иқтисодий тизимини барқарорлаштириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида тадбиркорлик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айниқса, филиалнинг ҳудуд иқтисодийтидаги муҳим йўналишларни молиялаштираётгани янги корхоналарнинг барпо бўлишига, ишлаб чиқариш тармоқларининг модернизация қилинишига, энг асосийси, аҳоли бандлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

– Ўтган йил давомида минтақавий филиал томонидан кичик бизнес субъектларига жами 24958,4 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар 61 та кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга қаратилиб, жами 200 та янги иш ўрни яратилди, – дейди АТБ “Hamkorbank” Фарғона минтақавий филиали бошқарувчиси Фарҳоджон Мақсудов. – Шунингдек, 2018 йил давомида минтақавий филиал томонидан юридик шахсларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 20406,0 млн. сўм, жисмоний шахсларга микроқарзлар ва истеъмол учун 4553,0 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга, турмуш даражаси ошишига хизмат қилаётди.

Ҳамдам АМИНОВ

СТАТИСТИКА

ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ДЕПОЗИТЛАР ҲАЖМИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ





2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг умумий ҳажми 70 трлн. сўм эквивалентини ташкил этиб, номинал ўсиш кўрсаткичи 17,5%ни ташкил этди, реал ўсиши эса девалвациясиз 16,3%ни ташкил этди. Депозитларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,4 трлн. сўмга ошган. Миллий валютадаги депозитлар 43,3 трлн. сўмни ташкил этди ва ўтган ойга нисбатан 1,04 трлн. сўмга ошди. Хорижий валютадаги депозитлар эса сезиларли даражада камайди, ўтган ой билан таққослаганда, 163 млрд. сўмга қисқарди. Умуман олганда, жалб қилинган депозитлар ҳажми ўтган ойга нисбатан 873 млрд. сўмга кўпайди.

Миллий валютадаги депозитлар бўйича банк фоиз ставкалари. (йиллик ўртача фоиз ставкалари)

1 йилгача бўлган барча қисқа мuddатли депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари декабрь ойида 14,0%ни ташкил этди ва ўтган ой билан таққослаганда, 0,4%га ошди, ўтган йилнинг январь ойига нисбатан эса 1,8%га камайди. 1 йилдан юқори қисқа мuddатли барча депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари ўтган йилнинг ноябрь ойида 15,0%га тенг бўлган бўлса, декабрга келиб, 1,1%га ошди ва 16,1%ни ташкил этди. Шу билан бирга, бошқа сегментлардаги ҳаракат турлича кўринишда бўлди:

- 30 кунгача бўлган омонатлар жисмоний шахслар учун 0,1 ф.д.га ошган бўлса, юридик шахслар учун 11,8%дан 13,5%га ошди;
- 31 кундан 90 кунгача бўлган депозитлар жисмоний шахслар учун 0,1 ф.д.га қисқарди, юридик шахслар учун эса аксинча 15,1%дан 15,8%га ошди;
- жорий ойда 91 кундан 180 кунгача бўлган депозитлар жисмоний шахслар учун ўтган ой даражасида, ўзгаришсиз қолган бўлса, юридик шахслар учун сезиларли – 3,0%га қисқарди, яъни 14,9%дан 11,9%га камайди;
- 181 кундан 365 кунгача бўлган депозитлар жисмоний шахслар учун 2,1%га ўсди ва 18,3%ни ташкил этди, юридик шахслар учун эса 10,7%дан 10,0%га камайди;
- бир йилдан юқори бўлган депозитлар жисмоний шахслар учун 0,5%га ошди ва 18,5%ни ташкил этди, юридик шахслар учун эса 0,7 ф.д.га ўсиб, 14,5%ни ташкил этди.



Хорижий валютадаги депозитлар бўйича банк фоиз ставкалари (йиллик ўртача фоиз ставкалари, %)да

1 йилгача бўлган барча қисқа мuddатли депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари	4,0	3,7	3,8	3,9
1 йилдан юқори барча қисқа мuddатли депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари	4,7	4,9	5,1	4,6
Жисмоний шахсларнинг қисқа мuddатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари	4,3	4,3	4,6	4,7
– 30 кунгача	2,8	2,8	2,5	2,5
– 31 кундан 90 кунгача	3,4	3,4	3,4	3,3
– 91 кундан 180 кунгача	4,1	4,0	4,0	4,8
– 181 кундан 365 кунгача	4,5	4,7	4,5	4,8
– 1 йилдан юқори	4,8	4,9	5,3	5,4
Юридик шахсларнинг қисқа мuddатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари	4,0	5,3	3,6	3,9
– 30 кунгача	2,5		5,5	
– 31 кундан 90 кунгача	3,5			
– 91 кундан 180 кунгача	3,6			2,5
– 181 кундан 365 кунгача	3,5	3,7	3,5	4,4
– 1 йилдан юқори	4,4	5,4	3,4	3,9

1 йилгача бўлган барча қисқа мuddатли депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари декабрь ойида 3,9%ни ташкил этди ва ўтган ой билан таққослаганда, 0,1 ф.д.га ўсди. 2018 йилнинг ноябрь ойида ҳам октябрга нисбатан худди шундай ўсиш қайд этилган эди. 1 йилдан юқори бўлган барча қисқа мuddатли депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари декабрь ойида 0,5 ф.д.га камайиб, 4,6%ни ташкил этди. Мазкур сегмент бўйича энг юқори ставка ўтган йилнинг февраль ойида 5,7% билан қайд этилди. Шу билан бирга бошқа сегментлардаги ҳаракат қуйидагича кўриниш олди – қисқа мuddатли депозитлар ставкалари:

- 30 кунгача бўлган депозитлар ставкаси жисмоний шахслар учун ўтган ойники каби ўзгаришсиз қолди ва 2,5%ни ташкил этди;
- 31 кундан 90 кунгача бўлган депозитлар жисмоний шахслар учун 0,1 ф.д.га камайди ва 3,3%ни ташкил этди;
- 91 кундан 180 кунгача бўлган депозитлар жисмоний шахслар учун 0,8 ф.д.га ошиб, 4,8%ни ташкил этди;
- 181 кундан 365 кунгача бўлган депозитлар жисмоний шахслар учун 0,3 ф.д.га ошиб, 4,8%ни ташкил этди, юридик шахслар учун ҳам 0,9 ф.д.га ўсиб, 3,5%дан 4,4%га ошди;
- бир йилдан юқори депозитлар жисмоний шахслар учун 0,1%га ошиб, 5,4%ни ташкил этди, юридик шахслар учун ҳам 3,4%дан 3,9%га ўсди.

ВАЛЮТАЛАР КУРСИ (2019 ЙИЛ 29 ЯНВАРЬ)

Валюта номи	Курс	Курсдаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
1 АҚШ доллари	8 384,94	▲	6,76	0,08%
1 Евро	9 568,89	▲	50,44	0,53%

1 Россия рубли	127,09	▲	0,76	0,60%
1 Англия фунт стерлинги	11 068,96	▲	283,73	2,63%
1 Япония иенаси	76,55	▲	0,22	0,29%
1 Швейцария франки	8 444,90	▲	28,85	0,34%

ТУРИЗМ

Бугун мамлакатимиз бўйлаб туризм соҳасини ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кенгайтириш ҳисобига давлатимиз иқтисодиётини юксалтириш борасида кўпгина амалий чора-тадбирлар олиб борилаётир. Шу соҳа билан шуғулланишни истовчи тадбиркорлар учун зарур барча кўмаклар, жумладан, молиявий ёрдам ҳам берилаётир. Буни йилдан-йилга сони ортиб бораётган янги фаолият — туроператорлик бизнеси мисолида ҳам кўриш мумкин. Олис ва чекка ҳудудларда оммавий туризмнинг шаклланиши ва турмаҳсулотнинг мураккаблашуви ҳисобига юзага келган мазкур бизнесга бугун ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда.

ТУРОПЕРАТОРЛИК БИЗНЕСИ: ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР



Сўзимиз исботини биргина Хоразм вилояти мисолида кўрсак, ўтган йили мазкур ҳудудда янги ташкил этилган туроператорлар сони 2017 йилгига нисбатан бир неча баробарга ортган. Яъни бундан икки йил аввалги 22 та (шундан 4 таси янги) туроператор 2018 йил якунига келиб, 12 тага кўпайди ва улар сони 34 тага етди. Шунини айтиш керакки, 2018 йили Хоразм вилоятига 124 мингга яқин хорижий сайёҳлар ташриф буюрган, уларнинг 35 мингдан ортиги маҳаллий туроператорлар томонидан жалб қилинган ва сифатли хизматлар билан таъминланган.

Бу ҳақда Хоразм вилояти туризмни ривожлантириш департаментининг туризм фаолиятини лицензиялаш бўлими бошлиғи Сирожиддин Саъдуллаев шундай дейди:

— Ҳукуматимиз томонидан туризм соҳаси бўйича яратилаётган кенг имкониятлар ва департаментимиз томонидан мунтазам равишда олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш тадбирлари натижасида вилоятимиз аҳолисининг туризмга бўлган қизиқиши янада ортиб, улар мазкур соҳанинг нечоғли сердармад ва муқобил даромад манбаи эканини англаб етдилар. Янги йилнинг биринчи ойи тугалланмасиданоқ, ушбу фаолият билан шуғулланиш истагида бўлган тадбиркорлардан келиб тушган мувожабатлар сони анча ортди. Ҳатто, ўтган қисқа фурсат ичида яна бир янги туроператор тегишли лицензияни олиб, ўз фаолиятини тўлиқ йўлга қўйишга муваффақ бўлди.

Айтиш жоизки, янги ташкил этилаётган туроператорлар учун қатор имконият ва имтиёзлар яратилган. Хусусан, сайёҳлар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида чет элдан туристик синфга мансуб автобус ва микроавтобуслар олиб келинмоқда. Ўтган йилнинг ўзида бу турдаги 26 та кўп ўринли янги транс-

порт воситалари сотиб олинди. Бунда Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асос бўлиб хизмат қилди. Унга кўра, ҳайдовчи билан биргаликда 8 ва ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган туризм тоифасига оид транспорт воситаларини олиб келиш божхона тўловларидан озод этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан эса республикаимизга олиб кирадиган, туризм фаолияти субъектлари томонидан сайёҳларни ташиш учун мўлжалланган, сифими 9 кишидан ортиқ бўлган янги сотиб олинган транспорт воситалари 2022 йил 1 январга қадар йўл жамғармаси тўловларидан ҳам озод этилди. Бу тадбиркорларимиз учун анча фойда бўлди. Чегириб қолинган маблағлари эвазига ўз фаолиятлари ва хизматларини янада кенгайтирдилар.

Ўтган йили ўз фаолиятини бошлаган “Xorazm Rent Car Tour” МЧЖ янги туристик синфга мансуб транспорт воситаларини сотиб олиш ташаббуси билан чиқди. Янги иш бошлагани учун тадбиркорнинг қўлида етарли маблағи йўқ эди. Департамент мазкур МЧЖга ёрдам бериш мақсадида автобус ва микроавтобусларни сотиб олишда имтиёзли кредитдан фойдаланишни таклиф этди ҳамда тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда Хитой Халқ Республикасининг “Xiamen Golden Dragon Bus Co. LTD” компаниясидан туристик синфга мансуб замонавий 4 та автобус ва 1 та микроавтобус сотиб олиш бўйича келишувга эришди. Келишувга кўра, “Асака банк” АТ-Бнинг Хоразм вилояти филиали тадбиркорга 5 йил муддатга, 1 йил имтиёзли давр билан йиллик 16 фоиз ставкада 367 минг АҚШ доллари миқдорда кредит ажратадиган бўлди. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси эса ажратилиши режалаштирилган мазкур кредитнинг йиллик 5 фоиз ставкасини қоплаб беришни режа қилди.

“Xorazm Rent Car Tour” МЧЖ раҳбари Анвар Раҳмоновнинг сўзларига кўра, юртимизда яратилаётган бу каби имкониятлардан унинг боши осмонда. Шунингдек, тадбиркор туризм соҳасига берилаётган алоҳида эътибор, олиб берилаётган эзгу сайёҳаракатлар яқин келажакда ўз мевасини беришига, юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар оқимининг кўпайиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида муҳим омили бўлишига ишонади.

Г. МАЛИКОВА

ЎХУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти — [www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) орқали шартномани тўлдириб, таҳририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агентлигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат таҳририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш ил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

- Қорақалпоғистон Республикаси  
“Matbuot Servis” МЧЖ – (97-358-57-57)  
Хоразм вилояти
- “ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)  
Андижон вилояти
- “SAYYOR 2017” МЧЖ – (91-112-01-00)  
Бухоро вилояти
- “Matbuot Servis” МЧЖ – (97-358-57-57)  
Жиззах вилояти
- “MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)  
Навоий вилояти
- “Matbuot Servis” МЧЖ – (97-358-57-57)  
Қашқадарё вилояти
- “Matbuot Servis” МЧЖ – (99-603-03-68)  
Наманган вилояти
- “Matbuot Servis” МЧЖ – (99-603-03-68)  
“SAYYOR 2017” МЧЖ – (91-112-01-00)  
Фарғона вилояти
- “SAYYOR 2017” МЧЖ – (91-112-01-00)  
“Matbuot Servis” МЧЖ – (90-532-93-39)  
Сирдарё вилояти
- “Matbuotchi” МЧЖ – (91-621-95-91)  
Сурхондарё вилояти
- “SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)  
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти
- “KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)  
“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)  
“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)  
“SHA-GAY PRESS SERVIS” МЧЖ – (91-177-72-02)

Азиз муштарийлар!  
Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш мумкинлигини унутманг!

ЖАҲОН ТУРИЗМИ – 2018

БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти — UNWTO 2018 йилда энг кўп сайёҳ ташриф буюрган мамлакатлар рўйхатини эълон қилди:

1. Франция — 88,9 млн.
2. Испания — 82,2 млн.
3. АҚШ — 72,9 млн.
4. Хитой — 59,3 млн.
5. Италия — 57,8 млн.

6. Туркия — 39,9 млн.
7. Мексика — 39,3 млн.
8. Буюк Британия — 38,7 млн.
9. Германия — 37,6 млн.
10. Таиланд — 34,7 млн.

Жаннатмакон юртимиз  
Ўзбекистонга эса ўтган йили 5 миллион сайёҳ ташриф буюрган.



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий Банки

“Norma Hamkor” МЧЖ

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Р.О. ОХУНОВ

Нашр учун масъул

Б. МУҲАММАДИЕВ

РЕКЛАМА ВА МАРКЕТИНГ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Телефонлар: 97 776 60 18

71 232 45 32

Факс: 71 232 43 98

Нашр индекси — 102.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, “Туркистон-пресс” НАА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,  
Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.  
e-mail: [info@banknews.uz](mailto:info@banknews.uz),  
[www.banknews.uz](http://www.banknews.uz)

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Газета таҳририятининг  
техник ускуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиғи билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлезмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январьда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № г 103.  
Адади 2463 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмида, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 30.01.2019 й., 9.00.

1 2 3 4 5